

1970-1980 ЙИЛЛАРДА ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИДА ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ КОРХОНАЛАРНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ ТАРИХИДАН

Бахтиёр Сатторович САФАРОВ

Ўқитувчи

Термиз давлат педагогика институти

Термиз, Ўзбекистон

shaxboz.shohbaxt@mail.com

Аннотация

Ушбу мақола мамлакатимизда 1970-1980 йилларда пахта тозалаш саноатида, мавжуд саноат корхоналарининг қайта жиҳозланиши тарихига бағишланиб, Сурхон воҳаси ҳудудлари мисолида илмий манбалар асосида тарихий мушоҳада қилинган.

Таянч сўзлар: Сурхондарё, электродвигатель, Денов, Шеробод, пахта заводи, саноат, Ангор, колхоз, модернизация.

ИЗ ИСТОРИИ СОЗДАНИЯ В 1970-1980-ГОДАХ НОВЫХ СОВРЕМЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ ХЛОПКООЧИСТИТЕЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ И ЕГО РЕЗУЛЬТАТОВ

Бахтиёр Сатторович САФАРОВ

преподаватель

Термезский государственный педагогический институт

Термез, Узбекистан

shaxboz.shohbaxt@mail.com

Аннотация

Данная статья посвящена истории переоснащения действующих промышленных предприятий хлопкоочистительной отрасли в нашей стране в 1970-1980-х годах на основе научных источников на примере Сурханского оазиса.

Ключевые слова: Сурхандарьинская электростанция, Денов, Шерабад, хлопчатобумажный комбинат, промышленность, Ангор, колхоз, модернизация.

Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган айни пайтда дунё миқёсида ирригация тизимини интенсив равишда ривожлантириш, сув хўжалигини самарали бошқариш ва суғориш инфраструктурасини такомиллаштириш, деҳқончиликда агротехник тадбирларни қўллаш, суғорма ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича инновацияларни татбиқ этиш, сув ресурсларидан тежамли ва оқилона

тарзда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунга келиб, жаҳон миқёсида қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларини тадқиқ этиш илмий марказларида суғориш тизими ҳамда мелиорация тарихини ўрганиш бўйича муайян даражада изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимиз тарихини ҳолисона ва илмий тарзда тадқиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, ўтмиш тарихига муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Бир қатор тарихий мавзулар сирасида, тарихан шаклланиб келган ирригация тизими ҳамда суғорма деҳқончилик маданияти тарихини назарий-концептуал ёндашув асосида ҳаққоний ўрганишга алоҳида урғу берилмоқда [2;66].

Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича устувор йўналишларида «суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш» каби муҳим вазифалар белгиланган.

Маълумки, йиллар давомида пахта якка ҳокимлиги кучайиб бориши Ўзбекистонни иттифоқдаги асосий пахта етиштирувчи марказга айлантирди. Урушдан кейинги йилларда пахтачилик ривожига қаратилган ҳаракатлар, мамлакатни тобора ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммолар гирдобига торта бошлади. Агарда XX асрнинг 80 йилларида СССР 36 давлатга пахта толасини экспорт қилган бўлса, унинг катта улуши (30 дан 97 фоизгача) Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келар эди [3;8]. Собиқ совет иттифоқида пахта етиштириш, уни қайта ишлаш ва ундан провард маҳсулот олиш билан қарийб 40 миллион киши ўз тақдирини боғлагани [4], бу маҳсулот халқ хўжалигида қай даражада муҳим ўрин эгаллаганини яна бир бор исботлайди.

XX асрнинг 70 йилларидан бошлаб Ўзбекистон йилига 5 миллион тоннадан зиёд пахта етказиб беришни бошлади. Ана шу вазифани ҳал этиш учун қарийб 1200 та колхоз ва совхоз, салкам 30 мингта пахта териш ва кўрак йиғиш машинаси, пахта қуриштиш, кўрак чувиш машиналарининг ишлари, 100 мингдан зиёд механизатор, қарийб 2 миллион теримчи фидокорлик билан ишларди [4]. Бироқ, пахтадан келадиган даромад асосан иттифоқ бюджетига тушиб, Ўзбекистон марказнинг бераётган дотациясига кўникиб ўтириши, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг қийматига нисбатан ўн баробаргача кам маблағ олишга мажбур эди.

XX асрнинг 1970-1980 йилларига келиб аҳвол бироз яхшиланди. Хусусан, Ўзбекистон ССРда пахтачилик, чорвачилик, паррандачилик, сабзавотчилик, шолічиликни ривожлантиришдаги ижобий ишлар амалга оширилган. Республикада енгил саноатни ривожлантириш истиқболлари катта бўлишига қарамай, етарли даражада эътибор қаратилмади. 1972 йил 1 январ ҳолатига енгил саноатда 450 та корхона бўлиб, шундан 102 таси пахта тозалаш вазирлигига қарашли эди [1;15]. Улардан 88 таси пахта тозалаш корхоналари ҳисобланарди.

XX асрнинг 70 йилларига келиб иттифоқ миқёсидаги жами пахта тозалаш ускуналарининг 88 фоиз Ўзбекистонда ишлаб чиқарила бошланди. Масалан, «Таштекстильмаш» заводи томонидан 1970 йилда 457 та ип силлиқлаш ва 811 та ип йиғириш машиналари ишлаб чиқарилди [1;19].

Вилоятдаги энг катта пахта тозалаш заводида ишлар давом этди. Термиз пахта тозалаш заводи ишчилари 1971 йилда 18452 тонна тола, 1240 тонна момик ишлаб чиқарди. 1972 йилда корхона коллективи режадаги 37100 минг сўмлик маҳсулот ўрнига 39165 минг сўмлик маҳсулот, 17150 тонна тола ўрнига 17433 тонна тола ишлаб чиқаришга эришди. Яъни, корхонадаги натижалар ишчиларнинг самарали меҳнати туфайли ошиб борди. Бундан ташқари, корхонани замонавий дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозлаш ишлари ҳам амалга оширилди.

Хусусан, 1977 йилда заводга «Меҳнат» маркали тозалагич, 2СБ-10 маркали куритиш барабани, чанг ютгич циклонлари ўрнатилди. Натижада корхона режадаги 83,1 миллион сўмлик маҳсулот ўрнига 90 миллион 489 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга эришди. Умумий ҳолатда 8893 тонна тола, 806 тонна момиқ, 70100 тонна чигит ишлаб чиқарилди.

1980 йилда Сурхондарё пахтакорлари давлатга 544 минг тонна пахта топшириб, шундан 216 минг тоннаси саноат учун зарур – ингичка толали пахта ҳисобланган. Вилоят 1975-1980 йиллар давомида 2 миллион 356 минг тонна ўрнига, 2 миллион 485 минг тонна пахта етказиб берди, режа эса 105,4 фоиз бажарилди. Бу натижага эришиш учун Сурхондарё аҳли матонат билан меҳнат қилиб, Республика режасини бажаришда фаоллар қаторида бўлди.

Ушбу даврда ўз фаолиятини яхши йўлга қўйиб олган Денов пахта тозалаш заводи ҳам пахтани қайта ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида модернизация ишларини олиб борди. Масалан, 1984 йилда заводда «Вулали жинлаш» цехи қурилиши ниҳоясига етказилиб, фойдаланишга топширилди. Пахтани қайта ишлашга мўлжалланган ДВ-1М ускунаси ўрнатилиши ҳам ишчиларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилди. 70 йиллар охирида эски момиқ цехи ўрнига «Линтер» цехи қурилди ва замонавий, ишлаб чиқариш суръати юқори бўлган «5 ЛП» ускунаси ўрнатилди. Жипслаш цехида ҳам Днепропетровскдан келтирилган паст, ўрта, юқори босимли учта насос билан ишлайдиган ДА-8237 модели толали маҳсулотларни тойлаш гидропресс қурилмалари ўрнатилиб ишга туширилди.

Ушбу даврда ўз фаолиятини кенгайтираётган корхоналардан бири Шеробод пахта тозалаш заводи бўлиб, И.Ғаффоров раҳбарлиги даврида (1967-1984) кўплаб ижобий ўзгаришлар кузатилди. 1974 йили икки батареяли биринчи ғўлали жин ўрнатилган пахта тозалаш заводи навбати, 1982 йилда эса икки батареяли аррали пахта тозалаш заводи навбати ишга туширилди. Натижада завод 60 минг тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга бўлди.

Вилоят пахта саноатига ўз фойдасини бериб келган корхоналардан яна бири – Узун пахта тозалаш заводи бўлиб, 1970-1984 йилларда Ж.Халилов директор лавозимида ишлаган. Корхона ўз режаларини тўла бажариб боришга ҳаракат қилган. Айниқса, Б.Н.Кадишников, Ў.Раҳмонов, Ў.Маматқулов бош муҳандис бўлган даврда бу борада сезиларли самара кузатилган. 1984-1892 йилларда Г.С.Жиянов директор сифатида фаолият юритган. Унинг ва бош муҳандис Усмонов раҳбарлигида завод маҳаллий пахтани қайта ишлаш билан шуғулланишда давом этган. Аммо, корхонанинг вилоят ёки республика миқёсида ўз натижалари билан катта ном чиқаргани тўғрисида маълумот учрамайди.

Вилоят пахтачилик саноати сезиларни улушга эга бўлган корхоналардан бири – Сурхон пахта тозалаш заводи ҳисобланади. XX аср 70 йилларида ушбу корхона ишлаб чиқариш суръатини ўстириш учун кўплаб ишлар амалга оширилди, янги ва қўшимча ускуналар ўрнатилди. Аммо шунга қарамасдан ишлаб чиқаришда юксалиш деярли кузатилмади. Натижа шундай бўлдики, 1971 йилги бир йиллик ҳисоботга кўра умумий 4700 тонна тола ишлаб чиқилган эди. Бу кўрсаткичлар юқори ташкилотларни қаноатлантирмас эди. Чунки илғор пахта тозалаш заводларида бир йилда эмас, балки икки ойда 4700 тонна тола ишлаб чиқарилар эди [6].

Янги ташкил этилган заводлардан яна бири Ангор туманида жойлашган Ангор пахта тозалаш заводи бўлиб, у 1952 йил 16 апрелда ташкил этилган. Ангор пахта қабул қилиш маскани ҳудудида 1970 йили пахта тозалаш заводи қуриш ишлари бошлаб юборилди аммо, қурилиш ишлари икки йилга чўзилади.

Вилоятда пахтачилик саноати ривожига ўз улушини қўшган яна бир янги корхона – Қизирик пахта тозалаш заводи бўлиб, корхона жойлашган Қизирик тумани 1975 йил 6 мартда ташкил топган ва мустақиллик йилларигача «Ленин йўли» тумани, деб аталган.

Ўзбекистонни СССРнинг пахта базасига айлантириш сиёсати, ер ҳолатининг бузилишига ва яроқсиз ерлар миқдорининг ошишига олиб келди. Кўп ерлар дори «емасдан» ва «ичмасдан» ҳосил бермасликка ўрганиб қолди.

Шунинг учун ҳам, республикада минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга тобора кўпроқ эътибор берилди. Масалан, 1980 йилда далаларга 1102 минг тонна минерал ўғит солинган бўлса, кейинги йилларда бу рақам яна ҳам ошиб борди. Бу 1987 йилга келиб 1423 минг тоннагача етди. 1985-1990 йилларда Ўзбекистон пахта далаларига ҳаммаси бўлиб 7859 минг тонна минерал ўғит солинди. 1960 йилга қадар Амударё ва Сирдарёдан 50 куб километрга яқин сув, яъни уларнинг йиллик оқимининг ярмидан сал камроғи суғориш эҳтиёжлари учун олинар ва денгизга бунинг таъсири унчалик сезилмас эди. Бу минтақада 5,2 миллион гектардан зиёдроқ ер суғорилиб, бир йилда ҳар гектар экин майдонига салкам 10 минг кубометр сув сарфланарди. XX аср 80 йилларига келиб «Қайта қуриш» сиёсати ва матбуот очиқлиги эълон қилингандан сўнг мамлакатда кўплаб муаммолар очиқчасига айтила бошланди. Даврий матбуот саҳифаларида кўплаб танқидий мақолалар чоп этилиши, пахтачилик ва унга боғлиқ саноатни зарарли томонларини очиқчасига танқид қилиш ҳолатлари кузатилди.

Юқоридаги фикрларга хулоса қилиб айтиш мумкинки, 1970-1980 йилларда пахта тозалаш саноатида Сурхондарё вилоятида барпо этилган корхоналарнинг аксарияти режадан кечикиб, етарлича янги жиҳозлар билан аслаҳаланмай қурилган. Вилоятдаги мавжуд пахта тозалаш заводлари ўз фаолиятини давом эттириб тургани, йиллар давомида малакали мутахассислар авлоди шакллангани, ишлаб чиқариш ускуналарининг маҳаллийлашгани ҳисобидан пахта қайта ишлаш ҳажми ошиб борди. Сурхондарё вилоятида пахта тозалаш бўйича (тола ва момиқ) юқори натижалар 1975-1977 йиллар оралиғида эришилган бўлиб, ундан кейинги йилларда, то 90 йилларгача бу кўрсаткичлар доимий пастлаб борган. Пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган амалиёт ернинг мелиоратив

ҳолати ёмонлашувига, озиқ-овқат маҳсулотларининг камайиб боришига, сув ресурсларининг танқислигига, бошқа соҳаларнинг секин ривожига сабаб бўлган.

FOYDALANILGAN АДАБИЁТЛАР:

1. Зиёдуллаев Н. Ўзбекистон енгил саноатини ривожлантириш истиқболлари. – Тошкент: Фан, 1972. – 191 б.
2. Комилов О. Ўзбекистонда ирригация тизими ривожланиши ва унинг оқибатлари (1951-1990 йй.): тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2017. – 66 б.
3. Юнусова Х.Э. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва маънавий ҳаёт: тарих ф.док. дисс. – Тошкент, 2009.
4. Ўз МА. Р-2806-фонд, 1-рўйхат, 22-иш, 115 varaқ.
5. Ўз МА. Р-2806-фонд, 1-рўйхат, 22-иш, 133 varaқ.
6. Ўз МА. Р-2806-фонд, 1-рўйхат, 93-иш, 85-86 varaқлар.